
ОТАЛИҚҚА ОЛИНГАН ЁШЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бағдод тумани ходимлари томонидан 2-сектор ҳудудидаги ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш, улар доимий равишда давлатнинг эътибори ҳамда ғамхўрлигида эканлигини ҳис қилишлари учун барча шароитларни яратиш чоралар кўрилмоқда.

- Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ва барчамизнинг ҳаётимиз мазмунига айланган “Инсон қадри учун!” тамойили асосида олиб борилаётган ишлар негизида сиз фарзандларимиз, келажак авлодни тўғри тарбиялашдек муҳим вазифалар қонунан белгилаб қўйилган. Бундан тўғри фойдаланишингиз, барчангизни ҳуқуқларингизни мустаҳкам анлашингизда доимо ёнингиздамиз – дея таъкидланмоқда учрашувларда.

Департаментнинг Бағдод тумани бўлими томонидан оталиққа олинган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг мавжуд муаммоларини манзилли ҳал этишга қаратилган амалий ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

2024-11-15 18:19:35